

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOĞLIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOŠKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSTITUTI

Рўйхатга олинди:

№ MMO

2023 йил “4” январ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

2023 йил 4 январ

дастур тасдиқлаш рўйхати
билан тасдиқланди


Билим соҳаси - « Соғлиқни сақлаш»

“БОЛАЛАРДА СИНДРОМЛИ ИНТЕНСИВ ТЕРАПИЯ”

МАВЗУСИДА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(Ўқиш ҳажми – 72 кредит)



TOŠKENT - 2023

Тузувчилар :

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси мудири т.ф.д., профессор Э.А.Сатвалдиева.

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси. т.ф.д. доцент: Юсупов А.С., доцент Маматкулов И.Б., асс: Хайдаров М.Б.

Такризчи:

ТХҚМРМ Педиатрияда анестезиология ва интенсив терапия кафедра профессори т.ф.д. Х.Н. Мухитдинова

Ўқув дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Марказий услубий Кенгашида кўриб чиқилган

«22» декабр 2022 й., баённома № 4

Ўқув дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Илмий Кенгашида кўриб чиқилган

«26» декабр 2022 й., баённома № 6

Кенгаш раиси  Даминов Б.Т.

Ўқув дастури ССВ ҳузуридаги узлуксиз касбий таълим муассасалараро Кенгашда кўриб чиқилган ва тасдиқланган

« _____ » _____ 202__ й., баённома № _____

Кенгаш котиби _____

имзо

Ф.И.Ш.

КИРИШ

1. Анестезиология ва реанимация, болалар анестезиология ва реанимацияси фани асосий қонун ва қоидалари беморни операцион травмадан ҳимоялаш, критик ҳолатларда ҳаёт учун зарур бўлган аъзолар функцияларини тиклаш, бошқариш ва ушлаб туриш. Амалиётда қўлланиладиган бу принциплар ўз навбатида умумий анестезиология ва реаниматология принципларидан кескин фарқ қилади. Бу специфик усуллар айниқса болаларда ва катта ёшдаги беморларда қўлланиладиган анестезия ва реанимация усуллари уларнинг анатомио-физиологик хусусиятлари билан боғлиқ. Ўқув дастур намунавий дастур асосида тузилган бўлиб, ўқитиш мақсади ва вазифаларини аниқлабгина қолмасдан, балки уларни билимга талабини, амалиётда қўллашни ҳам ўргатади. Ишчи дастурда замонвий ўқитиш технологияси билан анатомио-физиологик хусусиятларини билган ҳолда фан бўйича шифокорлар билим даражасини ошириш ва назорат қилиш кўриб чиқилади.

Ўқув дастурининг долзарблиги амалиётга асосланган ва муаммоларга йўналтирилган ёндошув асосида амалий тиббий ёрдамнинг замонвий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўқув материаллари ва жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимининг ва мутахассисликнинг ўзига хос касбий эҳтиёжларига қаратилган. Дастур асосий ва энг янги адабиётлардан, чет эл олимларининг таржима қилинган адабиётларидан, миллий ва жаҳон стандартлари асосида тузилган меъёрий ҳужжатлардан, шу билан бир қаторда, бирламчи тиббий-санитария ёрдами доирасидаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилди. Булар қуйидагилардир:

2019-2022 йилларда касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси;

2019-2022 йилларда касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури;

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги 251-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 251-сонли қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Президенининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президенининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПКҚ-4310-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.09.2017 йилдаги № 769-сонли “Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.09.2017 йилдаги № 718-сонли “БТСЁ муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори;

1.1. Мақсад: Бирламчи бўғинда фаолият кўрсатаётган шифокорларни фанни ўқитишдан мақсад -крптик ҳолатларда бола организмнинг ҳаётий зарур аъзолари ва системалари

функциясининг бузилиши этиопатогенези, диагностикаси билан таништириш, бола ҳаётига хавф солувчи ҳолатларда даво чора-тадбирларини танлаш.

1.2. Вазифалар:

1. Соғлиқни сақлаш бирламчи звеноси ва тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда шошилиш шароитларида ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган протоколлар асосида АГ, ҚД, НЕ, ЮҚТЕ, шок ва комаларни эрта ташхислаш, замонавий даволаш стандартлари асосида олиб бориш принципларини ўргатиш;
2. Мустақил реанимация ёрдами, шифохонагача ва шифохонада интенсив ёрдам кўрсатишга ўргатиш;
3. Шошилиш ёрдам кўрсатишда замонавий лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини таҳлил қилиши;
4. Патологик синдромлар ривожланишининг этиопатогенетик факторларини билиш;
5. Терминал ҳолатларда беморнинг оғирлик даражасини баҳолаш;
6. Интенсив терапия усулларини ўтказиш каби кўникмаларни ўзлаштириш;

1.3. Таълим олувчилар контингенти: Стационар шароитида ишлаётган анестезиолог-реаниматологлар ҳамда интенсив терапия бўлимида фаолият юритаётган реаниматолог шифокорлар.

1.4. Ўқув дастурини ўзлаштири олиш учун зарур бўлган тингловчи компетенцияси.

Тингловчилар болаларда шошилиш ҳолатларда ёндош касалликларининг эпидемиологияси, этиологик ва таҳдид омиллари, патогенезининг замонавий теорияси, таснифи, кечишининг клиник вариантлари, ташхислаш учун ўтказиладиган инструментал текширишларни билишлари лозим.

1.5. Дастурнинг долзарблиги

Тиббиётни замонавий талаб даражасида ислоҳ қилишда рақобатбардош анестезиолог ва реаниматолог мутахассисларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Шу туфайли ўқув дастурида анестезиолог ва реаниматолог шифокорларни шу кун талаби даражасида тайёрлаш учун катта аҳамият берилган. Педиатрияда интенсив даво, анестезиология ва реанимация, интенсив терапия билан битта клиник фаннинг бир-бири билан боғлиқ бўлган бўлимидир. У анестезиология ва реанимация мутахассислигининг таркибий қисми бўлиб, замонавий қарашлар бўйича оператив муолажа билан боғлиқ бўлган ҳаётий муҳим аъзолар фаолиятини ўрганиш ва бошқаришни таъминлашга йўналтирилган. Саломатлик ва тиббий статистика институтининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда умумий касалланиш тузилмасида нафас олиш аъзолари, юрак қон-томир касалликлари, ошқозон-ичак тракти касалликлари, эндокрин тизимлар касалликлари етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Шу туфайли ўқув дастурида шифокорларни шу кун талаби даражасида реанимацион ёрдам вақтида иккиламчи ёки ҳамроҳ касаллиги бор беморларга алоҳида катта аҳамият берилган. Бугунги кунга келиб малакатимизда соғлом жамият қуриш учун, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишда рақобатбардош болалар анестезиолог ва реаниматолог мутахассисларига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Шундай қилиб, юқоридаги вазиятдан келиб чиқиб ва ижтимоий- иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда, педиатрияда терминал ҳолатларнинг уч босқичли

таснифи, ўпка-юрак реанимациясини ўтказиш кетма-кетлиги, ABC қадамлари билан танишиш, босқичлари ва даволаш хусусиятлари, клиник ўлим диагностикаси, краниоцеребрал гипотермия усули билан танишиш, юрак-ўпка ва мия реанимацияси (шифохона ва шифохонагача босқичлари), ЎСВ, юрак билвосита массажи, медикаментоз даво, дефибрилляция, реанимация ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатма, критик ҳолатларда полиорган етишмовчилиги хавф-хатари, асоратларини билиш энг долзарб муаммолардан биридир.

1.5. Дастур ҳажми. Мазкур дастур давомийлиги 2 ҳафта 72 соат бўлиб, 2 кредитдан иборат.

1.6. Ўқиш шакли. Мазкур дастур ишдан тўлиқ ажралган ҳолда ўтказилади.

1.7. Машғулотларни ўтиш тартиби. Машғулотлар соат 8.30 дан 14.30 гача бўлиб ўтади. Кунига 6 соат, 45 дақиқалик тушлик танаффус ва ҳар 2 академик соатли (80 дақиқа) машғулотдан сўнг 10 дақиқалик танаффус.

1.8. Малака оширишдан сўнг бериладиган ҳужжат:

Цикл якунида тингловчиларга якуний имтихонни муваффақиятли топширгандан сўнг, тегишли намунадаги сертификат топширилади.

2. Режалаштирилаётган таълим натижалари

2.1 Цикл якунида тингловчилар қуйидаги компетенцияларга эга бўлиши керак:

Умумий компетенциялар:

Болаларда реанимация ёрдами вақтида касалликларнинг асосий клиник белгиларини эрта аниқлаш, қўлланиладиган жиҳозларни ишлаш принциплари ва хавф омиллари, диагностиканинг замонавий усуллари, реанимация ёрдамини барқарор ўтказиш схемалари, уларни профилактикаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг анестезиология ва реанимация хизматига тегишли буйруқ ва норматив ҳужжатлари тўғрисида кўникмаларга эга бўлиши;

Касбий компетенциялар:

1. Болаларда ҳар-хил тиббиёт асбобларини қўллаб, нафас йўллари ўтказувчанлигини таъминлаш, интубация қилиш ва дориларни дозалашни (ёш ва вазн бўйича) таъминлаган ҳолда болаларда операциядан кейинги даврда оғриксизлантиришни ўтказиш;
2. Умумий ёки маҳаллий анестезия остида тўғри ларингоскопия усулида, кўр-кўрона оғиз ва бурун йўллари орқали трахеяни интубациялаш;
3. Ўмров ости венаси ва бўйинтуруқ веналарини катетерлаш;
4. ЎСВ, ҳаётий муҳим аъзолар функцияларини мониторинг қилиш ва парваришlashда аппаратуралардан фойдаланиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш;
5. Ўпка сунъий вентиляцияси ва беморларни кузатиш учун мўлжалланган аппаратлардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
6. Ниқоб билан ўпкани мажбурий вентиляциясини амалга ошириш, миорелаксантларсиз ёки миорелаксантларни юбориш асносида трахеяни интубациясини амалга ошириш, ўпка сунъий вентиляциясини қўлда ва респираторлар ёрдамида ўтказиш;
7. Реанимация ва интенсив терапия (ОРИТ) бўлими тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- 8.Реанимация ва интенсив терапия (ОРИТ) бўлимига беморларни госпитализациясига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билиши;
9. Реанимация ва анестезиология бўлимида санитар –гигиеник тартиб ишларини билиши;
- 10.Бола организми анатомио – физиологик хусусиятларини билиши.

3. Дастур мазмуни:

**“Болаларда патологик синдромлар ривожланишида интенсив терапия ” мавзусида
малака ошириш дастури бўйича**

ЎҚУВ РЕЖА

Амалий йўналишдаги машғулотлар

№	Модуль, бўлим ва мавзулар номи	Кредит 2,0	Аудитория машғулотлари			Атте ста ция
			Маъруза	Амалий йўналишдаги машғулотлар		
				Амалий машғулот	Семинар	
1.	Болаларда патологик синдромлар ривожланишида интенсив терапия	72	6	64		2
1.1.	Болалар анестезиология ва реаниматологиясининг умумий мақсади, вазифалари. Болаларнинг ҳаётий муҳим аъзолари фаолияти анатомик – физиологик хусусиятлари. Функционал текширув усуллари. Патологик синдром бўйича текшириш ва даволаш принциплари. Гипертермик синдромда шошилинч ёрдам. Талваса хуружларида ёрдам турлари.	6	2	4		
1.2	Гипертермик синдромини этиопатогенетик хусусиятлари, клиникаси, диагностика ва интенсив терапияси. Хавфли гипертермия (Омбретан синдроми).	6		6		
1.3	Талваса синдромини	6		6		

	этиопатогенетик хусусиятлари, клиникаси, талваса хуружлари турлари, диагностика ва интенсив терапияси.					
1.4	Критик ҳолатларда полиорган етишмовчилиги синдромида анафилаксия даврларида биринчи ёрдам чоралари.	6		6		
1.5	Нафас етишмовчилигида Мендельсон синдроми (аспирацион пневмония) этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси ва интенсив даволаш.	6		6		
1.6	Томир ичида қоннинг тарқок ивиши синдроми. Клиникаси диагностика ва интенсив терапияси.	6	2	4		
1.7	Инфекцион-токсик шок (Нейротоксикоз. Энцефалитик синдром). Нейротоксикоз. Мия шишида интенсив терапия.	6		6		
1.8	Ўткир буйрак етишмовчилигида гемолитико-уремик синдром. Синдром Гассера.	6		6		
1.9	Ўткир жигар етишмовчилиги. Рея синдроми.	6	2	4		
1.10	Аллергик реакция даврларида биринчи ёрдам чоралари. Токсик эпидермал некролиз. Синдром Лайелла.	6		6		
1.11	Асоратланган бош мия жароҳатларида апаллик синдром. Кома ҳолатлари.	6		6		

1.12	Критик ҳолатларда полиорган етишмовчилиги синдромида комплекс реанимацион ёрдам кўрсатиш хусусиятлари.	6		4		
	Якуний аттестация					2
	Жами	72	6	64		2

Машғулотлар мазмуни:

1. Болалар анестезиология ва реанимациясининг умумий мақсади, вазифалари. Болаларда ҳаётий муҳим аъзолар фаолиятини баҳолаш. Шошилиш ҳолатларда бола организмнинг ҳаётий зарур аъзолари ва системалари функциясининг бузилиши этиопатогенези, диагностикаси билан таништириш, бола ҳаётига хавф солувчи ҳолатларда даво чора-тадбирларини танлаш.

2. Гипертермик синдром сабаблари, терморегуляция тушунчаси, терморегуляцияни бошқарилиши, терморегуляция хиллари, механизми, патогенези, классификацияси, клиникаси, давомийлиги ва даволаш принциплари. Терморегуляция патологиясида бемор аҳволи оғирлигини баҳолаш ва интенсив терапия. Хавфли гипертермия (Омбредан синдроми).

3. Талваса синдромини тушунчаси, сабаблари, этиопатогенетик хусусиятлари, клиникаси, талваса хуружлари турлари, диагностика ва интенсив терапияси. Шифохонагача ва шифохонада интенсив ёрдам кўрсатиш, кўрсатиладиган ёрдам кетма-кетлиги.

4. Критик ҳолатларда полиорган етишмовчилиги синдромида анафилаксия даврларида биринчи ёрдам чоралари.

5. Нафас етишмовчилигида Мендельсон синдроми (аспирацион пневмония) этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси ва интенсив даволаш.

6. Томирлар ичида қоннинг тарқоқ ивиши синдроми. тушунчаси, сабаблари, этиопатогенетик хусусиятлари, босқичлари, клиникаси, лаборатор диагностикани асосий мақсади, гемостазни ўзгаришини кўрсатувчи белгилари ва интенсив терапияси.

7. Инфекцион-токсик шок (Нейротоксикоз. Энцефалитик синдром). Нейротоксикоз. Мия шишида интенсив терапия. . Хафли нейролептик синдроми, токсик энцефалопатия патогенези, клиникаси, лаборатор диагностикани кечиши, асоратлари, ўлим сабаблари, интенсив терапияси.

8. Ўткир буйрак етишмовчилигида гемолитико-уремик синдром этиологияси, патофизиологияси, клиникаси, лаборатор диагностикаси ва интенсив терапия. Синдром Гассера.

9. Ўткир жигар етишмовчилигида Рея синдроми. Этиология, патогенез, клиникаси, дифференциал диагностикаси , эрта ва тез диагностикаси ва интенсив терапия.

10. Аллергик реакция даврларида биринчи ёрдам чоралари. Токсик эпидермал некролиз. Синдром Лайелла. Этиология, патогенез, клиникаси, дифференциал диагностикаси , эрта ва тез диагностикаси ва интенсив терапия.

11. Асоратланган бош мия жароҳатларида апаллик синдром. Кома ҳолатлари. Бош мия шиши этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностика ва жадал даволашни умумий тамойиллари.

12. Критик ҳолатларда полиорган етишмовчилиги синдромида комплекс реанимацион чора – тадбирлар ва шошилиш ёрдам кўрсатиш хусусиятлари.

Симуляцион курс (тиббий тренинг) мазмуни

№	Симуляция учун махсус анжомлар	Ўтказиш жойи	Шаклландирган касбий кўникмалар
1.	Ларингоскоп, интубация найлари ва ларингеал маскаларни ўлчовларини аниқлаш.	Операцион-анестезиологик бўлим ва интенсив терапия бўлими	Асоратни олдини олиш
2.	Кардиомонитор (К/Б, сатурация кислород, капнометрия, термодатчик) қўллаш	Операцион-анестезиологик бўлим ва интенсив терапия бўлими	Турли хил режимдаги амалиётни қамраб олиш
3.	Терминал ҳолатлар ва таснифи. Терминал ҳолатларда беморнинг аҳволини оғирлигини баҳолаш. Упка-юрак реанимацияси	Операцион-анестезиологик бўлим ва интенсив терапия бўлими	Ҳукукий-норматив ва меъёрий ҳужжатларни тўлдириш
4.	Томир ичига ангиокатетр қўйиш техникаси ва ўлчов бирлиги	Операцион-анестезиологик бўлим ва интенсив терапия бўлими	Болалар анатома-физиологик хусусияти асосида билиш
5.	ЭКГ, ЭхоКГ, ЭЭГ	Интенсив терапия бўлими, ОА блок	Юрак қон-томир тизими фаолиятини баҳолаш

Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:

Болаларда реанимация ёрдами вақтида касалликларни асосий клиник белгиларини эрта аниқлаш, қўлланиладиган жиҳозларни ишлаш принциплари ва хавф омиллари, диагностиканинг замонавий усуллари, реанимация ёрдамини барқарор ўтказиш тузилмалари, уларнинг профилактикаси. Болаларда реанимация ўтказишда асосий

хусусиятлар яъни, амалий кўникмаларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунё қарабини шакллантиришга асосланган назарий кўникмаларни билиши.

Терминал ҳолатлар ва таснифи. Терминал ҳолатларда беморнинг аҳволини оғирлигини баҳолаш. Болалар организмида нафас ва қон айланишининг ривожланишидаги хусусиятлари. Юрак- ўпка реанимацияси. Мустақил реанимацион ёрдам, шифохонагача ва шифохонада интенсив ёрдам кўрсатишга ўргатиш; ўпка-юрак реанимациясини ўтказиш кетма-кетлиги. Травматик шок ҳолатида комплекс реанимация чора – тадбирларини ўтказиш.

Клиник ўлим диагностикаси. Кома ҳолатлари. Реанимация бўлимига ётқизишга кўрсатма ва қарши кўрсатма. АВСқадамлари, босқичлари ва даволаш хусусиятлари. Бош мия шиши. Постреанимацион касаллик

Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:

1. Синдром ёки критик ҳолат диагностикаси аниқлай олиши;
2. Терминал ҳолатларни баҳолай олиши (агония олди, агония даври, клиник ўлим)
3. Нафас ва юрак тўхтаганида реанимация ва интенсив терапия дастурини тузиш ва амалга ошириш;
4. Декортикация ва децеребрацияни диагностикасини аниқлай олиши;
7. Ўткир юрак етишмовчилиги даражасини аниқлай олиши;
8. ЎНЕ оғирлик даражасини, обструктив синдром ва ўпка ичи таранглашиш синдромини аниқлай олиши;
9. Нафас йўли ўтказувчанлигини таъминлай олишни;
10. Ўпка сунъий вентилляцияси (ЎСВ) ни ўтказа олиши;
11. Билвосита юрак массажи ўтказишни;
12. Краниоцеребрал гипотермия ўтказишни;
13. Гипертермияда физик усулларини қўллай олиши;
14. Критик ҳолатдаги беморларни транспортировкасини ташкил қила олишни;

4. ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ

4.1. Ўқув база: Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, 1-блок, қабул бўлими шок зали ва интенсив терапия бўлимлари. 2-ўқув биноси .

4.2. Дастур бўйича аудитория машғулотларини ўтказиш учун зарур жиҳозлар рўйхати:

Аудитория машғулотларида тренажер, муляж ва симуляция залларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатидан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш баённомаларида акс эттирилади. Компьютер, проектор, мавзули видеофильмлар, тонометр, фонендоскоп, ЭКГ аппарат, муляжлар, фантомлар. Амалий машғулотлар учун схемалар, жадваллар, янги туғилган чақалоқдан- то 18 ёшгача бўлган болаларда шошилиш ҳолатларда ўтказилаётган тадбирлар алгоритми мавжуд. Даволаш стандартлари, илмий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар, назорат саволларининг электрон кўриниши, вазиятли масалалар.

4.3.Адабиётлар

1. Агзамходжаев Т.С., Юсупов А.С. Болаларда интенсив терапия хусусиятлари.- Тошкент, 2010 г.
2. Сатвалдиева Э.А., Мухитдинова Х.Н. Современная анестезиология ИПТД “ЎЗБЕКИСТОН” 2013
3. Степаненко С.М. Анестезиология, реаниматология и интенсивная терапия у детей. Москва 2016.
4. Сатвалдиева Э.А., Мухитдинова Х.Н. Госпитальные инфекции у детей. Ташкент “SHARQ” 2010
5. Михелсон В.А. /Детская анестезиология и реаниматология, 2009.
6. Дж. Эдвард Морган, Мэгид Эс Михаэл “Клиническая анестезиология ” 3- х.том. 2019.
7. Хайдаров М.Б. Маматкулов И.Б. “Критик холатдаги болалар интенсив терапияси” Тошкент. 2021.

4.4. Қўшимча адабиётлар:

8. Михельсон В.А. Интенсивная терапия в педиатрии. Москва. 2008.
9. Брюс Маккорник. Алгоритмы действий при критических состояниях в анестезиологии. 2018.
10. Александрович Ю.С. Анестезия в педиатрии. Санкт Петербург. 2013.
11. Норберт Ревер. “Атлас по анестезиологии” перевод с немецкого. 2013.

4.5.1. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати рўйхати

- 1.ЎзР “Таълим тўғрисидаги қонуни”;
- 2.Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга қўйиладиган давлат талаблари;
- 3.ЎзР Президентининг 5.05.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сон қарори;
- 4.ЎзР Президентининг 7.12.2018 йилдаги № 5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони;
- 5.ЎзР Президентининг 6.05.2019 йилдаги № 4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- 6.ЎзР Президентининг “2017-2021-йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 07.02.2017 йилдаги Фармони;
- 7.ЎзР Президентининг “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 06.09.2019 йилдаги Фармони;
- 8.ЎзР Президентининг “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги 09.11.2019 йилдаги Қарори;
- 9.ЎзР Президентининг 7.12.2018 йилдаги № 5590-сонли “ЎзР соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони;

10.ЎзР Президентининг 6.05.2019 йилдаги № 4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

11.ЎзР ВМнинг 27.09.2017 йилдаги № 769-сонли “Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

12.ЎзР ВМнинг 13.09.2017 йилдаги №718-сонли “БТСЁ муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори;

13.ЎзР ССВнинг 25.12.2017 йилдаги №777-сонли “ЎзР ССВ тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” буйруғи;

14.ЎзР ССВнинг 08.09.2017 йилдаги №517-сонли “Тошкент шаҳар кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар фаолиятини ташкил этиш ҳақида” буйруғи;

15.ЎзР ССВнинг 18.09.2017 йилдаги №535-сонли “БТСЁ муассасаларида профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги учун масъуллигини ошириш чоралари тўғрисида” буйруғи ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

4.6.Интернет-ресурслар:

<http://book.med-lib.ru/http://>

rmj.ruwww.doctor.ruwww.citomed.ruwww.narcoz.ruwww.respiration.ru/possiblehelp/res/www.rambler/medical

www.infoart.ru/med/index.htm– "Доктор", журнал для практикующих врачей

www.mediasphera.aha.ru/surgery/surg-mn.htm – Хирургия. Журнал им. Н.И.Пирогова

www.mediasphera.aha.ru/pediatr/ped-mn.htm –Российский вестник перинатологии и педиатрии

[Medical Matrix: Guide to Internet Clinical Medicine Resources](#)

[Медицинская матрица](#) (указатель мед.ресурсов Интернета, руссифицированный вариант)

[U.S.National Library of Medicine](#) (Американская медицинская библиотека)

[MedExplorer](#) - search engine for medicine related information

(поиск медицинской информации)

[WebDoctor](#) - the Internet navigator for physicians (поиск медицинской информации)

[FreeMedLineaccess](#) (биомедицинская база данных)

6.ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ

Семинарнинг биринчи ва охириги кунларида дастлабки ва якуний тест синовлари ўтказилади. Якуний тест натижалари ижобий бўлган ҳолда (70% дан кўп тўғри жавоб) соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 16 июлдаги 210-сонли “Тиббиёт кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида сертификат ва маълумотномаларни тайёрлаш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ қатнашчиларга намунадаги сертификат топширилади.